

БОДОМНИ САҚЛАШДА БОДОМ МЕВАХҮРИДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ ЧОРАЛАРИ

Эшонкулов Нажим
биология фанлари номзоди, доцент, ҚарМИИ

Аннотация: Мақолада бодомни сақлашда бодом меваҳүридан ҳимоя қилишда бодомни 10 кун давомида қуёш тушадиган жойда сақлаганды бодомни 3-4 йилгача құртсиз сақлаш мүмкінлиги үрганилган.

Калит сүзлар: бодом, елим идиш, сақлаш, қурт (личинка).

Аннотация. В статье проводится результаты и исследования хранения миндала в полиэтиленовых посудах. Обоснована целесообразность подготовки к хранение миндала в полиэтиленовых посудах путем их удержания в течение 10 дней в местах где попадают прямые солнечные лучи. После такой подготовки и хранения миндал хранятся более 3-4 года без повреждений вредителями.

Ключевые слова: миндал, полиэтиленовые посуды, хранения, личинки

Abstract: This article presents the result of the research of the study on the preparation and storage of almond plastic consigners. The expediency of the preparation and storage of almond in polyethylene dishes was substantiated by keeping them for '9'days in places where direct sunlight falls. After such preparation and storage, dried apricots arc stored for more than 1 year without damage by pests.

Keywords: Almond, plastic bags, produced, economical

Бұғунғи кунда дунёда озиқ-овқат мұаммоси ер, сұв захираларини камайиб бориши ва ақоли сонини ортиб бориши барча озиқ-овқат маңсулотларини етиширишда жадал технологияларни құллашни тақозо этомоқда. Дунё статистикасида 2050 йилга бориб сайёрамизда одамлар сони 9 миллиарддан ошиши ва қишлоқ хұжалик әқинлари учун керакли ер майдонлари 40-45% га камайиши таҳмин қилинмоқда. Жадал технологияларни құллаш натижасида үсимликларни заарқунанда ва бегона үтлардан ҳимоя қилиш ҳам әнг долзарб вазифадир.

Мева ўзининг тўйимлилиги, таъмининг шириллиги ва шифобаҳшлик ҳусусиятига кўра мұхим озиқ-овқат ҳисобланади. Улар инсон организмини углеводлар, карбон сувлар, дармон дорилар ва минераллар билан тўйинтирилишида қўшимча манба ҳисобланади.

Әнг кўп истеъмол қилинадиган меваларнинг озиқалик қуввати 300-600 ккал ни ташкил этади [3]. Улар ўз таркибида кўп миқдорда биологик фаол моддалар, дармон дорилар, тузлар, пектин моддалар, ферментлар, органик кислоталар, эфир мойлари, хушбўй ҳид берувчи моддалар сақлайди, шунинг учун улар шифобаҳш ҳамда юқори мазага эга.

Аҳолини йил бўйи бу маңсулотларга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш учун уларни сақлаш ва қайта ишлашнинг замонавий үсулларини ишлаб чиқиш мұхим

ҳисобланади.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 17 октябрдаги “Мева сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқариш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3978-сонли ва 2019 йил 14 мартдаги “Мева сабзовотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги [1] ПҚ-4236-сонли Қарорлари [2] республикамиз мевачилигига, шунингдек, мева маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш соҳасида кескин бурилиш ясади.

Маълумки, бодом ёнгоқсимон мевали ўсимлик ҳисобланади. Бодом мағзини хушхўрлиги билан бир қаторда қайта ишлаш имкониятининг кенглиги билан ҳам мевали экинлар орасида алоҳида ўрин тутади. Ширин мағизли бодом таркибида 40-70% ёғ, 20-35% оқсил 6% қанд бўлади. 4% клечатка, 2% кул бор. Бундан ташқари дармон дорилар (B_1 , B_6 , B_5 , A, C, E), микро ва макро элементлардан P, K, Mg, Ca, Fe, мис, рух, цинк ва бошқалар бор [3]. 100 г бодом таркибида оқсил 19 г, 22% углеводлар, 13 г – 10%, ёғ 52 г – 81%, сув 4 г – 91%, таркибида 605 ккал 43%. Бодом мағзи қандолатчилик саноати учун ҳам қимматбаҳо хом-ашё ҳисобланади. Кунжарасида 10 фоизгacha мой, кўп миқдорда оқсил ва углеводлар бор.

Бодом мевасининг пўчоғида газни осон шимадиган кўмир олишда фойдаланилади.

Адабиётлардан олинган маълумотларда Ҳиндистонда 1 кг бодом ўн ампула жень-щенга алмаштирилар экан.

Ўзбекистонда бодомни қуйидаги навлари етиштирилади: Бўстонлиқ, Никитин бодоми, Угом, Тўнғич бодом, Юпқа пўчоқ, Ялта ва бошқа навлар.

Қашқадарё вилоятида аҳоли томорқаларида кўплаб бодом етиштирилади, лекин сақлаганда қурт тушиб катта зарар келтиради [5].

Кузатувларимизда аниқланганидек бодомларга асосий зарар келтирадиган бодом меваҳўриди (Eurytoma Samsomovi Hass). Бу ҳашоратлар билан мевани сақлаганда 30-60% гача зарарлайди. Бодом меваҳўри бу чумолини эслатадиган пардақанотли хальцидлар оиласига мансуб ҳашоратдир. Танасининг узунлиги 4-6 мм келади, қора тусда бўлади. Ҳашорат бир йилда бир марта авлод беради. У етук личинка шаклида бодом мағзининг ичидаги диапаузага кириб қишлиб чиқади. Февраль ойларида ғумбакка айланади, март ойида эса вояга етган ҳашоратга айланади. Вояга етган ҳашорат апрелнинг бошидан охиригача қаттиқ бўлган бодом пўстлоғида юмалок тешик ясаб ташқарига чиқади. Бу ерда эркак (майда) ва урғочисини (йирик) зотлари учрашиб гуллаб мева тугунлари ҳосил қилган бодомга якка-якка қилиб тухум қўяди. Яна 4-5 кундан кейин тухумдан очиб чиқсан оёқсиз қуртлари данак мағзига қараб ҳаракатланади, 2 ой мобайнида озиқланишни давом эттиради. Вояга етган қурт (личинка) тинч ҳолат (диапауза) га кириб қишлиб қолади.

Айрим вилоятларда бодомни қовуриб сақлашади. Бодом қоврилганда таркибидаги ёғ, оқсил, дармон дорилар, микроэлементлар ва бошқа моддалар

камайиб кетади [4].

Вилоятимизда бодомни уй шароитида қуришиб халталарда сақлаб келинган 2-3 ойдан кейин бодомга бодом мевахўри қурти тушиб 20-60% гача маҳсулотни яроқсиз ҳолга келтиради.

2020-2023 йилларда бодомни уй шароитида сақлаш устида тажриба олиб борилди.

Тажрибалар бодомнинг Юпқапўчоқ ва Ялта навлари устида иш олиб борилди. (1-расм)

1-жадвал

Турли муддатларда елим идишларда сақланган бодомларнинг бодом

мевахўри билан зараланиши

| Вариантлар | Елим идишда сақланган бодомни қуёшли кунда турган куни | 5 ой сақлангандан кейин ҳар 40 донасидаги қуртлар сони | 1 йилдан кейин ҳар 40 донасидаги қуртлаган бодомлар сони |
|------------|--------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------|
| 1 | 1 | 4 | 30 |
| 2 | 3 | 2,5 | 24 |
| 3 | 5 | 1 | 10 |
| 4 | 10 | 0 | 0 |
| 5 | 10 | 4 | 30 |

Юпқапўчоқ Қримдан олиб келинган нав, сифатли маҳсулот беради. Мевасининг вазни 1,9 грамм, қобиғи юпқа 63,6% мағиз, 50% ёғ чиқади.

Ялта нави – Қримдан келтирилган, меваси йирик 3,26 грамм, қобиғи юмшоқ 40,3% мағиз, 54% ёғ чиқади. Бодомни сақлашда сув солинадиган 5-10 литрли елим идишларда тажрибада фойдаланилди [5]. Елим идишларга қуристилган бодом солиб оғзини маҳкам беркитилади. Бодомни сақлашнинг 5 хил варианти синаб кўрилди.

1 – вариантда бодом билан тўлдириб, оғзи беркитилган елим идишларни ўша куннинг ўзида ертўлага сақлашга қўйилди.

2 – вариантда бодом билан тўлдириб, оғзи беркитилган елим идишлар 3 кун давомида қуёш нури тушадиган жойда ушлаб турилгандан сўнг сақлашга қўйилди.

3 – вариантда бодом билан тўлдирилган елим идишлар 5 кун давомида қуёш нури тушадиган жойда ушлаб турилгандан кейин, ертўлага сақлаш учун қўйилади.

4 – вариантда бодом билан тўлдирилган елим идиш 10 кун мобайнида қуёш нури тушадиган жойда сақлаб турилди бу даврда елим идишлар оғзи ҳар 3 кунда кечқурун соат 21^{00} дан кейин (ҳашоратлар кирмаслиги учун) 1 соат очиб қўйилади. Шундан сўнг улар ҳам сақлаш учун ертўлага жойлаштирилади.

5 – вариантда елим идишни тўлдирмасдан яъни идишни ичига бодом ярмигача солиб, оғзини беркитиб 10 кун қуёш нури тушадиган жойда сақланди, шундан сўнг

сақлаш учун ертўлага жойлаштирилди.

2020 йил октябр ойида ертўлада елим идишга солиб қўйилган бодомни 1-вариантдагисини 2021 йил 5 феврал куни очиб текширилганда ҳар 10 та бодомнинг 1 тасида қўрт борлиги аниқланди.

2-вариантдаги елим идишлар очилганда ҳар 15 та бодомнинг 1 тасида қўрт борлиги кузатилди.

3-вариантдаги елим идишлар очилганда ҳар 40 та бодомнинг 1 тасида қўрт борлиги кузатилди.

4-вариантдаги елим идишдаги бодомларда умуман қўрт йўқлиги кузатилди.

5-вариантдаги елим идишдаги бодомларда бодомнинг ҳар ўнтасида 1 та қўрт борлиги аниқланди (1-жадвал).

Расм. 1. Бодом меваларини



елим идишда сақлаш

Расм.2. Заарланган бодом



меваси ва қўрт

Елим идишларда сақлашга қўйилган бодом 2022 йил 10 февралда текширилганда ҳам юқоридаги ҳолат кузатилди. Лекин 1, 2, 3 ва 5 вариантларда қўрт тушган бодомлар сони 3-7 марта ошди. 10 кун давомида бодом солинган елим идишни қуёш нурида ушлаб турилган варианта бодомлар пастерилизацияланганлиги сабабли қўрт тушиши кузатилмади (1-жадвал).

5 вариантдаги чалатўлдирилган елим идишдаги бодом 10 кун қуёш нурида сақланишига қарамасдан жуда кўплаб қўрт тушди. Сабаби елим идишни яримига бодом солинган эди. Елим идиш ичида ҳаво кўплиги учун ҳашорат ўлмаганлигини кузатдик.

Чунки елим идиш ичида босимнинг ошиши ва юқори ҳарорат ҳосил бўлиши натижасида ҳашоратларнинг тухуми, замбуруғ ва бактериялар нобуд бўлади. Йиллар давомида елим идишларда сақланганда бодомнинг вазни, намлиги, мазаси, таркибидаги озуқабоплигини йўқотмайди. Бундай усуlda сақланган бодом экологик жиҳатидан тоза маҳсулот ҳисобланади. Биз бодомни елим идишларда сақлашни тавсия этамиз. Елим идишларда бодом сақланса 100 тонналаб бодом иқтисод бўлади. Аҳоли экологик тоза бодомни истеъмол қиласди.

2-жадвал

Бодомни юпқапўчоқ навини елим идишларда сақлашнинг иқтисодий самарадорлиги

| № | Ишлаб чиқариш кўрсаткичлари | Қиймати. сўм |
|---|-------------------------------------------|--------------|
| 1 | 1 кг бодомни ғарқ пишган вақтдаги қиймати | 40 000 |
| 2 | 100 кг бодомни нархи | 4000000 |
| 3 | 20 дона елим идиш баҳоси | 40 000 |
| 4 | Елим идишда сақланган 100 кг | |
| 5 | Бодомни нархи 5 ойдан кейин | 12000000 |
| 6 | Жами ҳаражатлар | 40000 |
| 7 | Соф фойда | 7960000 |
| 8 | Бодомни елим идишда сақлаш | 7960000 |
| 9 | Рентабеллиги | 35.5% |

Бодом қурилгандан кейин уни сақлашни тўғри йўлга қўйиш фермер ва дехқон хўжаликлари ҳамда аҳоли хонадонларида етиштирилган ҳосилдан катта фойда олишга эришилади.

Бодом ғарқ пишганда 1 кг бодом нархи 40 минг сўм атрофида бўлади, 100 кг бодом 4 миллион сўм бўлади. 5 ой давомида бодомни елим идишда сақлаб кейин бозорга олиб бориб сотилса юпқа пўчоқ навли бодомни 1 кг ни нархи 120 минг сўмдан 100 кг бодомни 12illionга сотади. Соф фойда 7 960 000 сўм.

Хулоса. Бодомни елим идишларга солиб 10 кун давомида қуёш нури тушадиган жойда ушлаб турилганда елим идиш ичидаги босимнинг ошиши ва юқори ҳарорат ҳосил бўлиши натижасида ҳашоратларнинг тухуми, замбуруғ ва бактериялар нобуд бўлиши ҳисобига бодом қуртламайди. Бундай усулда сақлашга қўйилган бодомларни bemalol 2-3 йилдан ортиқ сақлаш мумкин.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 октябрдаги “Мева сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқариш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3978-сонли Қарори – Тошкент, 2018 йил

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 марта даги “Мева сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4236-сонли Қарори – Тошкент, 2019 йил.

3. Бўриев Х.Ч., Бойматов К.И. ва бошқалар. Мева ва сабзавотларни сақлаш ва уларга дастлабки ишлов бериш. Тошкент, “Меҳнат”, 2002 йил, 143-148 бетлар.

4. Zokirov, S. I., Sobirov, M. N., Tursunov, H. K., & Sobirov, M. M. (2019). Development of a hybrid model of a thermophotogenerator and an empirical analysis of the dependence of the efficiency of a photocell on temperature. Journal of Tashkent Institute of Railway Engineers, 15(3), 49-57.
5. Горовик, А. А., & Турсунов, Х. Х. У. (2020). Применение средств визуальной разработки программ для обучения детей программированию на примере Scratch. Universum: технические науки, (8-1 (77)), 27-29.
6. Орипов Р., Сулаймонов Ж., Умурзақов Э. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси. Тошкент, “Меҳнат”, 1991 йил, 198-203 бетлар.
7. Эшонқулов Н., Эшонқурова Л.Н., Турсунова М. Ўрикни уй шароитида қуритиш технологияси. “Инновацион технологиилар” журнали. З-сон, 2019 йил, 60-64 бетлар.